

«Буюк» географик кашфиётлар



14:06 / 21.12.2024 2040

Бу кашфиётларга сабаб бўлган шарт-шароитлар учта асосий банддан иборат:

1. Европа мамлакатлари Шарқ билан савдо-сотик қилишда дуч келган қийинчиликлар.
2. Пул метали сифатида олтин танқислиги.

Европанинг иқтисодий тараққиёти тобора кўпроқ пул талаб қилар эди. Бу тараққиётнинг асосий йўналиши товар хўжалигининг, савдо-сотикнинг ўсиши эди. Буюк географик кашфиётларга сабаб бўлган яна бир муҳим омил ҳам шунга боғлиқ: Европада шаклланиб бораётган кучли абсолютист (мутлақ) монархияларга дабдабали саройлар, ёлланган армияни таъминлаш учун улкан маблағлар керак бўлаётган эди. Ана шу давлатлар

йирик денгиз экспедицияларини ташкил этиши мумкин эди. Бундан ташқари, якка шахсларнинг бу қадар харажатларга имкони йўқ эди. Шунинг учун бу кашфиётларда феодал тарқоқ мамлакатлар эмас, айнан марказлашган давлатлар (Испания, Португалия, Англия) асосий ўрин тутгани тасодиф эмас. Бироқ, бундай экспедициялар учун савдогарлар ҳам маблағ ажратар эди. Шунингдек, католик черкови ҳам қўшимча ерлар, катта даромадлар ва янги қавмларга эга бўлиш истагида бундай истилоларга «оқ фотиҳа» берар эди.

Бундай давр учун муқаррар бўлган феодал мулкларнинг парчаланиш жараёни Европа мамлакатларида ҳар қандай йўл билан узоқ қитъаларда бойлик ва ерларни қўлга киритишга интилувчи кўплаб авантюристларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Булар қарамлик ва қашшоқликдан қутулишни орзу қилиб юрган зодагонлар ва деҳқонлар эди.

3. Фан-техниканинг, айниқса кемасозлик ва денгиз навигациясининг ривожланиши. XV асрда янги тузилишга эга бўлган кемалар – каравеллалар пайдо бўлди. Унинг тўши (киль, пуштак) бор бўлиб, елканлар билан шундай жиҳозланган эдики, ёнбошдан эсанг шамолда ҳам юра оларга эди. Шунингдек, ўша даврга келиб компасдан ташқари астролябиялар, яъни кенгликни аниқловчи асбоблар ҳамда анчагина ишончли хариталар – портоланлар ҳам пайдо бўлган.

Буюк географик кашфиётлар охир-оқибатда мустамлака тизимининг вужудга келишига олиб келди. Агар XVI асрда Европада капитализм ривожлана бошлаган бўлса, агар Европа иқтисодий жиҳатдан бошқа қитъаларнинг халқларидан ўзиб кетган бўлса, бунга мустамлакаларнинг талон-тарож қилиниши ва аёвсиз эксплуатация қилиниши ҳам сабаб бўлган.

Мустамлакалар дарҳол капиталистик усуллар билан эксплуатация қилина бошламаган, улар дарҳол хом ашё манбаига ва янги бозорларга айланмаган. Аввал улар обдон талон-тарож қилинган, бирламчи капитал (сармоя) тўплаш манбаи бўлиб хизмат қилган. Испания ва Португалия мустамлакаларни феодал усуллар билан эксплуатация қилган биринчи мустамлакачи давлатлар бўлишган.

Бу ерларда зодагонларга одатдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эмас, балки олтин, кумуш ёки ҳеч бўлмаганда Европада қиммат баҳоларга сотиш мумкин бўлган анвойи мевалар керак эди. Улар ҳиндуларни олтин ва кумуш конларда ишлашга мажбурлашар, бўйсунмаганларни бутун-бутун

қишлоқлари билан йўқ қилиб юборишар эди. Гувоҳларнинг айтишича, конлар атрофида чириб ётган юзлаб мурдаларнинг бадбўй ҳиди анқиб ётар эди. Шакарқамиш ва қаҳва плантацияларида ҳам ерлик аҳоли ана шундай усулларда эксплуатация қилинар эди.

Ерлик аҳоли бундай оғир меҳнатга бардош бера олмай, ёппасига қирилиб битар эди. Испанлар Эспаньола (Гаити) оролида илк бор пайдо бўлган пайтда у ерда миллионга яқин аҳоли яшар эди, бироқ XVI асрнинг ўрталарига келиб улар битта қўймай қириб ташланди. Испанларнинг ўзи ҳам XVI асрнинг биринчи ярмида америкалик ҳиндуларни қириб ташладик, деб ҳисоблашар эди.

Бироқ, испанлар ишчи кучини йўқ қилиб, ўз мустамлакасининг хўжалик асосига путур етказишди. Етишмаётган ишчи кучини тўлдириш мақсадида Америкага африкалик қоратанлиларни олиб келишга тўғри келди. Шундай қилиб, мустамлакалар пайдо бўлиши билан қулдорлик қайта тикланди.

Испанлар томонидан Америка ерларининг мустамлака қилиниши конларга, шакарқамиш ва тамаки плантацияларига ҳайдаб келинган сон-саноксиз ерлик аҳолини мажбурлаб ишлатиш йўли билан, бўйсунмаганларни оммавий қирғин қилиш йўли билан амалга оширилди (Ямайка оролида XVI асрнинг биринчи ярмида 50 мингдан ортиқ ерлик аҳоли ҳалок бўлган, Перу ва Чилида эса XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳиндуларнинг сони беш баравар камайиб кетган), оқибатда бир неча ўн йилдан сўнг ишчи кучи кескин камайиб кетди. Мустамлакачилар Африкадан қуллар олиб кела бошлашди. Жисмонан чидамлироқ бўлган қоратанлик африкаликлар испан мустамлакаларидаги асосий ишчи кучига айланди.

Қул савдоси сердаромад иш чиқиб қолди: Африкада қабила бошлиқларини ичириб, сув текин тақинчоқлар билан алдаб, қулларни жуда арзонга сотиб олиш ва Америкада уларни 20-30 баравар қимматга сотиш мумкин эди. Баъзан қуллар умуман сотиб олинмас, балки уларни куч ишлатиб, тутиб олиб, кемага юклашар ва Америкага олиб кетишар эди. Испан мустамлакаларига ҳар йили 6-8 минг қоратанли қуллар олиб келинар эди. (Манба: allbest.ru).

(Бу ишларнинг барчаси Европа уйғонишининг гуманизм – инсонпарварлик шиори остида амалга оширилганми?)

Европада динга бўлган муносабатда ҳам кейинроқ ўзгариш юз берди. Бир гуруҳ динсиз бўлиб кетди. Бир гуруҳ динни черковга қамаб олиб, бу ҳар

кимсанинг ўз иши дейиш билан кифояланди. Аммо Дарвиннинг асл шогирдлари динни Карл Маркс бошчилигида халқ учун афюн деб эълон қилдилар ва уни батамом йўқ қилиб юборишга бел боғладилар. Карл Маркснинг хаёлини Ленин ва унинг сафдошлари Россияда ва унга қарам бўлган диёрларда ҳаётга татбиқ қилдилар. Ленин тузган давлат дунё тарихида куфрни ўзига шиор қилиб олган биринчи давлат бўлди. Улар дунёнинг ўзларига қарам бўлган барча юртларида «илмий атеизм» асосида динга ва диндорларга қарши қатағон ўтказдилар. Сон-саноксиз ибодатхоналар ер билан яксон қилинди. Диний ходимлар ва уламолар қатл қилинди, қамалди ва сургун қилинди. Диний китоблар ва динга боғлиқ маданият дурдоналарни оловга ёқилди. Илмий атеизм таълимотлари дунёдаги ягона тўғри эътиқод сифатида барчага мажбурий равишда талқин қилинди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.